O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 5 январь, № 3 (3802) Пайшанба




Янги йилнинг илк кунлариданоқ тоғларимизда қор, боғларимизда қор. Ушбу оппоқ баракани интиқлик билан кутаётган ризқ-насибамиз бунёдкори деҳқон бобонинг ҳам, хиёбондаги нина баргли арчасини қор қўйнида кўриб завқланаётган шаҳарлик қизу жувонларнинг ҳам кўнглида шодлик, дилида шукроналик.



## Ўзбекнинг ризқи

Йилнинг боши баракали келди. Яна бир неча ойдан кейин мана бу далаларда илк бойчечак қулоқ кўрсатади, момогулдуракка эш бўлиб тракторлар наъра тортади. Нуроний отахонларимиз эзгулик уруғлари сочишни бошлаб беришади. Эл дуосини олган ер ҳам бир силкиниб яшилликка бурканади. Кўкламдаги бу яшиллик ёздаги тонна-тонна мева-чева, дон-дун дегани, кузакдаги тоғ-тоғ пахта хирмони дегани. У ўзбекнинг ризқи, ўзбекистонликнинг насибаси дегани!

Фотомухбир Алишер Рисқиев тасвирга олган бу лавҳаларни гўё бараканинг суратига менгзаш мумкин.

## САЛМОҚЛИ ЮТУҚЛАР, НУРЛИ УФҚЛАР САРИ

**Йил боши ўйлари**

***Хайрулло ЗИЯБОЕВ, Намангандаги “МашХим” масъулияти чекланган жамияти раҳбари:***

Президентимизнинг Янги йил табриги ҳар бир юртдошимизнинг қалбидан чуқур жой олди. Қутловни ўқиб, беихтиёр мен ўз фуқаролик бурчим ҳақида ўйладим, мана шундай пайтда ўтган бир йилга назар ташлаб, «Ниmaларга улгурдим-у, нималарга улгуролмадим, нималарни режалаштиргандим-у, қанчасининг уддасидан чиқдим, умуман, кимга қандай наф келтирдим?» дея ўзимга-ўзим савол бераман. Шундан келиб чиқиб, янги йил режаларини тузаман.

Мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Биз ҳам ана шу эзгу мақсадларга ўз ҳиссамизни қўшиш ниятида мактаблар, спорт клублари ва машқ залларига бир неча турдаги спорт анжомлари ишлаб чиқармоқдамиз. Фаолиятимизни 2003 йилда бошлаган эдик. Ўшанда атиги олти турда маҳсулот тайёрлаган бўлсак, 2005 йилга келиб, бу борадаги кўрсаткич 37 тага етди ва қарийб 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Ишчиларимиз сони эса 30 кишидан ошди.

Ўтган йил жамиятимиз ҳаётида ҳам энг қувончли йил сифатида ёдда қоладиган бўлди. Чунки мен Президент соврини учун ўтказилган анъанавий “Ташаббус” кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб, “Энг яхши тадбиркор” йўналиши бўйича ғолиб, деб топилдим. Бундай юксак мукофотга эришишимизнинг биргина сабаби бор, албатта. Яъни, юртимизда тадбиркорларни ҳам ҳуқуқий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу эътибор ва яратилаётган шароитдан самарали фойдалана олаётганимиз туфайли биз бугун мана шундай эътирофга сазовор бўлиб турибмиз.

2006 йил мамлакатимизда “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинди. Бу саховатпеша инсонларни савоб ишларга ундаши, шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, биз ўтган “Сиҳат-саломатлик йили”да шаҳардаги кам таъминланган оилаларга ўз фойдамиз ҳисобидан 4 миллион сўмликдан ортиқ хайрия ишларини амалга оширдик. Буни бизга биров келиб, шундай қиласан, деб айтгани ҳам йўқ. Чунки биз фақат фойдани кўзлаб эмас, савоб ишларни ҳам ўйлаб меҳнат қиламиз. Ниятимиз ўтган йилда бошлаган ана шу хайрли ишларимизни жорий йилда ҳам давом эттиришдир.

***Мухтор ТЎХТАНИЁЗОВ, Тошкент туманидаги “Тўхтаниёз ота” фермер хўжалиги раҳбари:***

— Юртимизда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани, одамларимизда ерга, мулкка бўлган эгалик ҳисси ортиб бораётгани сабабли, йил сайин мулкдорлар сафи ҳам кенгаймоқда. Ўзимиздан қиёс: 2000 йилда чорвачилик йўналишида ишни бошлаган эдик. Кўп ўтмай, каттагина даромад оладиган фермер хўжалигига айландик. Аввал бошданоқ бир мақсадни кўзлаган эдик. Яъни, ўзимизни ўнглаб, даромад ола бошласак, албатта, хайрли ишларга қўл урамиз деб. Чунки одамга савоб ҳам керак-ку? Шунинг учун 2004-2005 йилларда мактаб ўқувчиларини рағбатлантиришга, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга 15 миллион сўмликдан ошиқроқ хайрия тадбирларини амалга оширдик. 2006 йилда даромадимиз ҳисобидан яна кўплаб савобли ишлар қилишни мўлжаллаганмиз. 2006 йилни “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилиниши ана шу мақсадимизни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Президентимизнинг халқимизга йўллаган байрам табригини диққат билан эшитдик. Юртбошимиз “... инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади”, дедилар. Бу сўзлар бутун жамоамиз, ҳамюртларимиз томонидан зўр шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Кўнглимизда ғурур юксалди: бундай Ватанда фақат бунёдкорона меҳнат эъзозланади. Биз ана шу эзгу мақсадларга ўз ҳиссамизни қўшиш учун бор имкониятларимизни ишга солаверамиз.

**«Халқ сўзи» мухбирлари С. ҲАЙДАРОВ ва Ш. ОРТИҚОВ ёзиб олди.**

## ИСТИҚБОЛЛИ КРЕДИТ ЛИНИЯСИ

*Ўтган йилнинг охирги кунларида Хитой тараққиёт банки вице-президенти Ван И бошчилигидаги делегация Тошкентга ташриф буюрди.*

Ташрифдан кўзланган мақсад Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатларнинг банклараро ҳамкорлиги тўғрисидаги битимни амалга ошириш доирасида ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки матбуот хизматининг маълум қилишича, ушбу ҳужжат 2005 йилнинг октябрида ШҲТга аъзо давлатларнинг ваколатли банклари томонидан имзоланган бўлиб, инвестиция лойиҳаларини молиялаш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида банклараро ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишни кўзда тутади. Шартномага мувофиқ, унинг иштирокчилари қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШҲТга аъзо мамлакатларнинг турли корхоналари ўртасида иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни рағбатлантириш учун самарали ва тезкор механизм бўладиган банклараро бирлашмани ташкил этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Хитой тараққиёт банки вакиллари билан музокаралар ўтказилди. Миллий банкка кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун Хитой тараққиёт банкининг 20 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очиш тўғрисида келишувга эришилди. Ушбу линия бўйича кредитлаш муддати 9 йил бўлиб, 2 йил имтиёзли даврни ташкил этади.

**(ЎзА).**

## БУГУННИНГ ЎҚИТУВЧИСИ

***“Агар ота-онанг сени юқоридан ерга туширган бўлса, устозинг билим бериб сенинг шаънингни осмон қадар кўтарди!”***

**Шайх САЪДИЙ**

Мабодо шу кунларда мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ҳаракатлар ҳақида сўров ўтказилса, аниқки, жавобларнинг юз фоизи "раҳмат", “ташаккур” “бизни қўллаганлар омон бўлишсин” сингари самимий, дилдан чиққан изҳорлардан иборат бўларди. Давлатимиз раҳбарининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори эълон қилингач, таҳририятимизга жойлардан кўплаб хатлар келдики, ўша мактубларнинг мазмуни ушбу фикрлар билан ҳамоҳангдир.

Мазкур ҳужжатнинг кенг жамоатчилик томонидан қизғин қарши олинганлигининг сабаблари кўп. Жумладан, қарорда шундай сўзлар бор: “...*мактабларнинг мустақиллигини янада ошириш ҳамда директорлар ва ўқитувчилар жамоасининг ўқитувчилар меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ ишларда қатнашиш ҳуқуқларини кенгайтириш...*” Бу сўзлар мактаблар ва ўқитувчиларнинг мустақиллигини оширишга, ташаббускорлигини рағбатлантиришга қаратилганлиги билан қимматлидир. Ҳар бир мактабнинг ўз ютуғи, намуна бўлгулик, ибрат олгулик ишлари бўлиши керак ва бу муваффақиятлар ўша мактаб жамоасига тегишли эканлигини элу юрт, ота-она, жамоатчилик англаши лозим. Ўз касбига садоқат билан ёндошадиган, куним ўтса бўлди деб эмас, ўқувчим одам бўлсин, у эртага одамлардан устозингга раҳмат деган каломни эшитсин қабилидаги фикр-андиша, ғояга амал қилувчи ўқитувчиларимиз бор ва уларнинг хизматларини қадрлаш ҳамда шундай фидойиларни кашф этиш мазкур ҳужжатнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади.

***Мактабим — фахрим!***

Бу калом кейинги пайтларда ёзилмаган шиорга айланиб бормоқда. Чунки “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”нинг ҳаётга татбиқ этилиши юртимизда янги мактабларнинг қад ростлашига, мавжудларининг капитал, жорий таъмирланишига замин яратмоқда. Табиийки, эндиликда республикамиздаги энг муҳташам ва сифатли, кўркам иншоотлар қаторига қад ростлаётган мактаб биноларини ҳам бемалол қўшиш мумкин. Биз мустақил давлатмиз, қад ростлаётган биноларимиз, таълим даргоҳларимиз, улардан баҳраманд бўлаётган ёшларимиз истиқлолдек қутлуғ неъматга монанд бўлишлари мақсадга мувофиқдир. Ва айни чоғда биз худди шундай мутаносибликни кўраяпмиз: юртимизнинг марказий шаҳарларидан тортиб энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий мактаблар барпо этилмоқда. Шунинг учун ҳам юқоридаги фахр туйғуси шиорга айланиб бормоқда. Зотан, бу мактабларимиз энг замонавий ўқув ускуналари, кўргазмали қуроллар, мебеллар билан жиҳозланмоқда.

Дарвоқе, ***жиҳозлар ҳақида.*** Бугунги кекса ва ўрта авлод вакилларига яхши маълумки, мактабларда замонавий компьютерлар, қулай жиҳозлар, спорт анжомларини кўриш бундан 15-20 йил хомхаёл эди. Паст ва қўпол мебеллар, лаборатория хоналарида ўқув анжомларининг етишмаслиги, борларининг эса деярли амалиёт ўташ учун ярамаслиги, шукрки, кечаги кунда қолиб кетди. Энди кенг миқёсдаги ислоҳотлар фарзандларимизнинг ***“Биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”***лигини амалда исботлаётир.

Амалга оширилаётган эзгу ишлар нафақат бугунимиз ва эртамиз, худди шунингдек, келажагимиз учундир. Бундай улуғликка эришишда бот-бот айтаётганимиздек, таълим-тарбиянинг аҳамияти беқиёсдир. Бу ҳақиқатни меҳнатлари муносиб қадрланаётган ўқитувчи-мураббийларимиз бир дақиқа бўлсин ёддан чиқармайдилар ва эътиборга муносиб жавоб берадилар.

Бунга ишонамиз!

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

## Байрам янги кошонада

***Фарғона шаҳридаги болалар «Мурувват уйи» вилоятдаги кекса тарбия муассасаларидан бири. Бу ерда боқувчисини йўқотган 200 дан зиёд ногирон болалар тарбия олади.***

***Янги йил арафасида кўнгли яримлар қувончига яна қувонч қўшилди. Шаҳардаги фуран бирикмалари кимё корхонасининг фойдаланилмай турган санаторий-профилакторийси саховатпеша ҳомийлар кўмагида тўла қайта таъмирланиб, билим оладиган, ҳордиқ чиқарадиган хоналар, ётоқхоналарга айлантирилди ва болалар ихтиёрига берилди.***

***Янги «Мурувват уйи»ни фойдаланишга топширишда бош-қош бўлган ҳомийлардан бири — «Узсаламан» қўшма корхонаси байрам дастурхонига қандолат маҳсулотлари билан бирга 40 та юмшоқ стол-стуллар тортиқ қилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳам бу хайрли ишдан четда қолмади.***

***Тарбияланувчилар янги йилни янги кошонада нишонлашди.***

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Бир ишдан минг киши баҳраманд

**Долзарб мавзу**

***Одамнинг кўнгли ўзининг орзу-умидлари билан мунаввар. Шу боис Деновдаги «Чағониён» масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчиларининг қадамлари дадил. 140 та автоулов воситаси соз. Режанинг бажарилиши доимо юз фоиз. Бироқ улар «Йилига 50 миллион сўм соф даромад олиб, фаровон яшаяпмиз» деган гапни такрорлашни ёқтиришмайди. «Энди қишлоқ учун қулай улов — мотороллер-мотоцикл ишлаб чиқариш цехини очмоқчимиз», дейишмоқда улар бугун.***

«Шўрчидонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти аъзолари эса ўзлари ишлаб чиқарган унни чорак аср давомида валютага харид қилинган халталарга қадоқлаб келишарди. 2005 йилда уларнинг эзгу орзулари ҳам рўёбга чиқди: 387 миллион сўмлик пропилен ашёдан халта тайёрлаш цехи ишга туширилди. 226 миллион сўмлик ускуна-технология билан жиҳозланган бу цехда 70-80 киши ишламоқда. Муҳими, улар ишлаб чиқараётган қоплар сифатли ва арзон.

Шулар ҳақида ўйларканман, Саттор бобо деган одам эсимга тушди. Бундан ўн йилча илгари у Шўрчининг пиллахонасига келиб, қўлбола дастгоҳи ёрдамида саллабоп мато тўқишни бошлаган эди. Кўпларнинг кўзига бу иш антиқа ҳодиса бўлиб кўринди. Маҳаллий газеталар шу ҳақда ҳайратларини тошиб мақолалар ёзди. Бу мақолаларни ўқиганлар эса, «Қачон биз ҳам ўз пахтамиздан сифатли матолар тўқиб киямиз?» деган хаёлларга берилган эдилар. Ўша хаёл чечаклари бугун дов-дарахтларга айланиб кўзларимизни қувонтирмоқда. Яъни, Жарқўрғондаги «Сурхонтекстил» ҳиссадорлик жамияти ўтган йилнинг ўзида хорижий мамлакатларга 2 миллион 113 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспорт қилди. Бу ерда эса йилига жами 5 миллион метр мато ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳа, бугунги сурхондарёликлар гилам тўқиш, салла учун мато ишлаб чиқаришга ўхшаган косибчилик ишларидан ҳайратланишмайди. Барча ўзгаришлар эса мустақиллик шарофатидир.

— Бироқ ҳолва деган билан оғиз чучимайди, — дейди Шўрчидаги биз эслаган халта тўқиш цехи бошлиғи Фозил Хуррамов. — Қийинчиликларни енгдик. Енг шимариб ишладик. Ниҳоят, меҳнатимизнинг тотли мевасидан бугун баҳрамандмиз.

Жарқўрғонда яқинда ишга туширилган нефтни қайта ишлаш корхонаси ишчилари ҳам, умуман, йўқ жойдан имкону бойлик яратиб ишлаётган бошқа тадбиркорлар ҳам бугун Хуррамовнинг юқоридаги гапларини тилга олмоқдалар. Ўз юртдошларини, биродарларини орзумандликка, орзуларини амалга ошириш йўлида саботли бўлишга даъват қилмоқдалар.

Эътибор қиляпсизми, Хуррамов баҳрамандлик ҳақида гапиряпти. Битта хайрли ишдан минг киши баҳра топади. Ажриқ босиб, дарахтлари қурий бошлаган ерга урилган битта кетмон зарбидан неча юзлаб дастурхонларга барака инади. Хаёлимизга «ялт» этиб урилган орзу чироғи эртанги кунимизга, келажагимизга нур сочади.

Орзумандликнинг хосияти, қаранг, қанчалик хайрли. Хайрли ишларга кўпчилик бош қўшса, ҳамма бош қўшса, қалбларимиз, кунларимиз янаям мунаввар тортмайдими?

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## САХОВАТ

Юртбошимизнинг савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак, деган сўзлари бугун янада чуқур маъно касб этмоқда. Орамизда етим-есирларнинг ҳолидан хабар олиб, уларнинг ўксик қалбларига шуур бағишлаётган саҳоватпеша, мурувватли инсонлар жуда кўп.

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходимлари Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки кунларида Хўжайли туманидаги 1-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 700 минг сўмликдан ортиқ кийим-кечак, ўқув қуроллари, дарсликлар совға қилди.

**А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири.**



## Акс-садо

***Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригини ҳар бир юртдошимиз мамнуният билан кутиб олди. «Сиз ушбу қутловни тинглаганда кўнглингизда қандай фикрлар уйғонди?» деган саволга қуйидаги жавобларни олдик.***

# Эзгуликка, бунёдкорликка даъват

***Шавкат САЛОҲИДДИНОВ, Жиззах шаҳри, кардиолог:***

— Бутун жамиятнинг эътибори соғлиқни сақлаш соҳасига қаратилаяпти. Ҳукумат ғамхўрлигидан барча миннатдор. Янги йил табригида ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи 1,5 марта оширилиши айтилди. Энг муҳими, бундай рағбат яхши ишлаганларга кўрсатилади.

***Набижон НАЗАРОВ, Чуст тумани, журналист:***

— Президентимиз 2005 йилда қилинган ишларни жуда лўнда таърифладилар. Муаммоларимиз ҳам рўй-рост айтилди. Инсон манфаатлари ҳимояси йўлида жуда кўп ишлар қилинди. Ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш санкциясини суд идораларига ўтказиш бўйича имзоланган фармонлар Ўзбекистонда демократия кенг қулоч ёзаётганидан далолат.

***Борий ҳожи РАҲИМОВ, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, меҳнат фахрийси:***

— Савоб ишлар кундалик турмуш тарзимизга айланмоқда. Савобнинг маъноси беминнат ҳожат чиқариш дегани. Шундай эзгу ишлар туфайли юртимиз янада гуллайди. Маҳалламиздагилар бу борада ҳам Юртбошимизни қўллашмоқда.

***Исмоил АМИРҚУЛОВ, Қарши шаҳри, ёзувчи:***

— Биз юртимизда ҳар бир йил инсон манфаати учун хизмат қилаётганидан фахрланишимиз керак. Президентимиз табригини бутун оила аъзоларимиз билан берилиб тингладик. Ўзбекистонимиз балоғат ва навқиронлик ёшида янада юқори поғонага кўтарилишига ишондик.

***Бахтиёр АБДУРАҲМОНОВ, Тошкент шаҳри, иқтисодчи:***

— 2005 йилда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш, эркин фаолият учун шарт-шароит яратиш бўйича катта ишлар қилинди. Янги йилда бу ҳаракатлар мева бериши керак. Ҳомийларга берилаётган имтиёзлар, солиқлардан озод қилиш қайси мамлакатда бор?

***Бекмурод ҒОЗИБОЕВ, Ғаллаорол тумани, фермер:***

— 2006 йил, насиб қилса, фермерлар йили бўлади. Ўтган йили бу ҳаракатнинг ривожи учун пухта пойдевор қўйилди. Айни пайтда биз янада катта кучга айландик. 2005 йилда пахтачилик ва ғаллачиликдаги ютуқлар бутун халқнинг кайфиятини кўтарди. Демак, янги парвозлар учун қулай шароит яратилган.

*Кўриниб турибдики, бир мавзуда турфа фикрлар, турфа қарашлар. Уларни бирлаштирган битта ғоя бор: Ватан ва халқ манфаатлари. Миллатимизнинг азалий қадриятлари тўла бўй кўрсатаверса, мустақиллик қўрғони мустаҳкамланиб бораверади. Шундай ёруғ режаларни кўзлаган халқ ҳамиша омон бўлсин.*

**Ш. ЖАББОРОВ.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

*2006 йил давлатимиз раҳбари томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинди. Ушбу йил дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича “Республика комиссиясини тузиш тўғрисида” Президентимизнинг Фармойиши ҳам чиқди. Бу одамларимиз ҳаёти, турмуш тарзида гўзал мазмун-моҳият бўлиши, инсонпарварликка, адолатга асосланган қонун ижодкорлигимизнинг янада ривожланишидан дарак беради. Зеро, мамлакат тараққиёти, инсон манфаатлари, жамиятнинг юксалиши, аввало, қонунларда белгиланади.*

Икки палатали парламент иш бошлаган биринчи йил – “Сиҳат-саломатлик” йили ҳам якунланди. Юртбошимиз ўз маърузаларида Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг мазмун-моҳияти — инсон манфаатлари, дея таъкидладилар. Дарҳақиқат, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари олий қадрият бўлиб, ушбу фикр қабул қилинаётган қонунларимизда ҳам ўз ифодасини топаяпти. Масалан, “Ипотека тўғрисида” ҳамда “Ипотека тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинди. Бугунги кунда аҳолининг уй-жойга бўлган муаммосини ечиш учун биринчи амалий восита ҳисобланувчи ипотекавий кредитлашни ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Паст ва ўртача даромадга эга қатламларга бу жуда қўл келади. 25 йилга кредит берилади. Шунингдек, унинг фоизлари ҳам кам белгиланмоқда.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда қабул қилинди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 22 июнда қабул қилинган “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

“Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сонининг қисқартирилиши ва унинг тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда қабул қилинди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини

### Депутат сўзи

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари асосида тайёрланди. Унга кўра, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлари эса ҳар уч йилда бир марта режа асосида текширилади. Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида эса давлат рўйхатига олинган пайтидан бошлаб молиявий-хўжалик фаолияти бўйича 2 йил мобайнида текшириш ўтказилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларида инсон манфаатлари кўзланади. Президентимиз Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллиги тантанасидаги маърузасида йилларни номлаш мустақиллик йилларида гўзал қадриятга, сиёсий аҳамиятга молик олижаноб маънавиятга айланганлигини таъкидладилар. Инсонни қадрлаш, унинг манфаатларини улуғлашдир. Инсон манфаатлари, Оила, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар, Қарияларни қадрлаш, Обод маҳалла, Меҳр-мурувват, Сиҳат-саломатлик, Ҳомийлар ва шифокорлар йили! Йиллар бир-бирини мазмун-моҳият нуқтаи назаридан тўлдириб келади. Ҳар йили инсон манфаатларини таъминлаш, шу йўналишдаги муаммоларни ҳал этиш учун дастурлар яратилаяпти. Шу боис, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида депутатлар Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олиш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилдилар. Унда Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталари “Ҳомийлар ва шифокорлар” йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқиладиган Давлат дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда фаол иштирок этишга, маърузанинг мазмун-моҳиятини ва ундан келиб чиқадиган вазифалар, йўналишларни ўз округларида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорликда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришга келишиб олдилар. Президентимиз “Ҳомийлар тўғрисида”ги Низом кераклигини, уларга имтиёзлар берилиши лозимлигини таъкидладилар. Ушбу фикрлар ҳам Қонунчилик палатаси депутатлари олдига вазифалар қўяди. Шунингдек, жорий йилда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинаётгани, жумладан, “Тиббиёт фаолияти тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилгани, “Фуқароларнинг саломатлигини асраш тўғрисида”ги ва “Дори воситалари ва фармацевтик фаолият тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилаётганлиги ҳақида айтиб ўтдилар.

Юқорида тилга олинган қонун лойиҳалари ҳам мустақил республикамизда олиб борилаётган сиёсатнинг асосий мақсади — инсон қадр-қимммати, унинг манфаатлари эканлигини яна бир бор яққол ифодалаб турибди.

**Раъно ЗАРИПОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



# Самарқанд лифтлари

*Самарқанддаги “Лифтсозлик” акционерлик жамияти 2004 йилга келиб инқироз ёқасига келиб қолганди. Ўтган йил бошида мазкур корхонада узоқ вақт менежер бўлиб ишлаган Вячеслав Бородянский раҳбар этиб сайлангач, ижобий ўзгариш кўзга ташланди. Хусусан, хорижий ҳамкорлар билан иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Дастлаб, Россия корхоналаридан буюртмалар туша бошлаган бўлса, 2005 йилнинг ўрталарига келиб, корхона маҳсулотлари Озарбайжон, Қозоғистон ва Тожикистонга ҳам экспорт қилина бошланди.*

*Корхона маъмуриятининг билдиришича, ҳозирда Россия ҳарбий кемалари учун лифтлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, авваллари четдан келтирилган лифтнинг поли, шифти ва кўтариш мосламалари ҳам эндиликда шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда.*

**СУРАТДА: ишчи Зуҳра Бакаева.**

**Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Юз билан юзлашганлар

Бахмал туманида ҳар йили янги йил юз ва ундан ошган отахону онахонларнинг хонадонларидан бошланади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ҳомийлар ташаббуси билан тайёрланган совғалар бирин-кетин табаррук қариялар, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларга тарқатилди.

— Бу йил 115 ёшни қаршиладим, — дейди Нормомо Шодиева. — Биз қарияларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибордан мамнунмиз. Қариялари эъзозланган юртдан қут-барака аримайди. Илоҳо, янги йилимиз хосиятли келсин.

**Б. САТТОРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Қонун барчага баробар

***Ака-ука Қобил ва Комил ўз қилмишлари билан кўпчиликка отнинг қашқасидек маълум эди. Қаёққа қараманг, уларга тегишли савдо дўконлари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари бисёр, шу боис Бухоро туманида айтганлари-айтганди... Бебилиска пуллар оқиб келавергандан кейин одамларни оёқ учида кўрсатадиган бўлиб қолишганди-да. Мушугини «пишт» деганлар эса балога қоларди.***

# ҚУМГА СИНГИГАН КРЕДИТЛАР

Ўтган йили шундай воқеа бўлди. Ака-ука бир бўлиб кўп одамларнинг дилини вайрон қилди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро тумани судининг ҳукмига кўра, «зўравон»ларга нисбатан «гуруҳ бўлиб безорилик қилганлиги учун» 3 йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. Яхшиямки, ўша кезларда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди ва унинг 2-моддасига мувофиқ, улар жазодан қутилиб қолдилар.

Аслида, шундан кейин акаукаларнинг кўзлари мошдек очилиши керак эди. Афсуски, иккаласи «Бизни букадиганлар ҳали онасидан туғилмаган» деб, қинғир ишларини давом эттираверди. Мавжуд кўзбўямачиликлари эса Бухоро тумани солиқ хизмати ходимлари ўтказган текширувлардан сўнг сув юзига қалқиб чиқди.



Солиқчилар ҳисоблаб кўрсалар, Қобил ва Комил Жумаевлар муассислигида туманда 8 та корхона ташкил этилган, бари фаолият кўрсатаётган экан. Бундан ташқари, уларнинг оила аъзолари Дилафруз Болтаева ва Олия Жумаевалар номига ҳам «Наргиза-Феруза-бону», «Аҳмад-Салим» хусусий корхоналари рўйхатга олинганлиги маълум бўлди.

Ҳалол тадбиркорлик учун кенг йўл очилган ҳозирги пайтда ҳар ким хусусий корхона эгаси бўлишга ҳақли. Лекин ишни қалбаки йўллар билан юритиш айб саналаркан, шу ўринда ҳақли савол туғилади: ака-укалар қатор-қатор корхоналарни қандай қилиб бошқармоқдалар? «Қобил-Комил» фермер хўжалигида ўтказилган қисқа муддатли текшириш жараёнида шу саволга жавоб топилгандек бўлди. Текширув давомида ушбу фермер хўжалиги 40 бош қорамолни бозорда 4,7 миллион сўм нақд пулга сотиб олиб, пулини банкка топширмаганлиги, тегишли тартибда бухгалтерия ҳужжатлари расмийлаштирилмаганлиги аниқланди. Бу ҳол Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 265-сонли қарори талабларига мутлақо зид эди. Оқибатда хўжаликка нисбатан 4,7 миллион сўм микдорида молиявий жарима қўлланилди.

Комил Жумаевга тегишли «ЗЗВ-Бахт» ишлаб чиқариш-савдо корхонасида солиқ қонунчилигига қандай риоя этилаётгани ўрганилганда эса, жўяли бирор ҳужжат тақдим этишолмади. Пировардида корхона ҳисоб рақами очилган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Когон шаҳар филиалидан маълумотнома олишга тўғри келди.

Маълум бўлишича, бу корхона раҳбари 2003 йил 19 августда банкдан 10 миллион сўм кредит олган-у, кейин уни иссиғида «Мария плюс» корхонасига қорамол харид қилиш учун кўчирган экан. Лекин қанча қорамол олинди, улар қаерда сақланаяпти — бу ҳақда бирорта ҳам ҳужжат йўқ эди. Ака-укага тегишли бошқа корхоналарда ҳам ҳисоб-китоб ишлари юритилмаган, солиқ инспекциясига ҳисоботлар топширилмаганига нима дейсиз?

Текширишлар давомида улар расмий ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан кўп миқдорда — 197,7 миллион сўм пул маблағини ўзлаштириб юборганликлари ва талон-торож қилганликлари аниқланди.

Қарангки, ака-укалар кўпроқ кредит олиш учун корхоналар сонини атайин кўпайтиришга интилган экан. Ҳар бир янги очилган корхона учун кредитни улар фақат битта банкдан — «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Когон шаҳар филиалидан олишгани буни тўла тасдиқларди. «Кўр кўрни қоронғида топади» деганларидек, филиал бошқарувчиси Акмал Ҳайдаров уларни ҳамиша «очиқ чеҳра» билан кутиб оларди. Шу боис ҳам Қобилнинг ўзи марҳум бувиси Норжон ая, отаси Оқил Жумаев, вояга етмаган синглиси Холида Жумаеванинг имзоларини сохталаштириб, салкам 12 миллион сўм кредит олган эди...

«Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», дейишади. Ниҳоят, ҳаром йўллар билан топилган бойликлар ака-уканинг оёғига кишан бўлди. Бугун ҳатто кредитлар олиш ва ўзлаштиришда «ҳомий»лик қилган гумашталарнинг ҳам ичига чироқ ёқса ёришмайди. Чунки улар қаллоб ака-уканинг ноғорасига ўйнаб, ўзларини ҳам, ҳамкасбларини ҳам беобрў қилдилар-да.

**Жасур НОСИРОВ.**

# ҲУҚУҚШУНОС маслаҳати

*Саволларингизга Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати халқаро-ҳуқуқий ишлар бўйича ихтисослашган ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати Замира СИДДИҚОВА жавоб беради:*

***● Мен болалигимдан 2-гуруҳ ногирониман. Ер солиғи тўлашим керакми?***

**О. АБРОРОВ. Тошкент шаҳри.**

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 102-модда 3-қисми 5-бандига асосан 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари ер солиғини тўлашдан озод этилган. Бунда ногиронлик турининг аҳамияти йўқ.

***● Яқин қариндошим вафот этганидан сўнг фарзанди туғилди. У ворис ҳисобланадими?***

**Ф. САИДОВ, Ёзёвон тумани.**

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1135-моддасига биноан мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эгадирлар.

Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

***● Ижарага олмоқчи бўлиб, кўпқаватли уйга бордик. Хонадон таъмирланмаган экан. Бу ҳақда уй эгасига айтсак, у «бундай қонун йўқ», деди. Айтинг-чи, ижарага бериладиган хонадоннинг яшаш учун яроқли бўлиши қонун билан белгиланганми?***

**Э. МАҚСУДОВ, Самарқанд шаҳри.**

— Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 87-моддасига асосан ижарага берувчи турар жойни ижарага олувчига яшаш учун яроқли ҳолатда бериши шарт.

Ушбу кодекснинг 9-модда 3-қисмига биноан кўп хонадонли уйдаги турар жойларни ижарага бериш ман этилади.

***● Ёшим ўн еттида. Ишлаш учун меҳнат органларига мурожаат қилдим. Улар корхонага йўлланма беришди. Лекин корхона раҳбарияти 18 ёшга тўлмабсан, деб ишга қабул қилмади. Қонун бўйича ишлашга ҳаққим борми?***

**В.АБДУЛЛАЕВ, Ғузор тумани.**

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 239-моддасига мувофиқ иш берувчи энг кам иш ўринлари ҳисобидан маҳаллий меҳнат ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиши шарт.

Белгиланган энг кам иш ўринлари ҳисобидан ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланади ва бундай ҳолда судга мурожаат этиш мумкин.

Айтиш лозимки, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар дастлабки тиббий кўрикдан ўтганидан кейингина ишга олинадилар ва 18 ёшга тўлгунча ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказилишлари керак.

***● Эрим вафотидан сўнг уй-жойимни сотишга ҳаққим борми? Уй менинг номимда, лекин эримнинг яқинлари 3 нафар фарзандим борлигини рўкач қилиб, бунга йўл қўйишмаяпти?***

**С. ВАҲОБОВА, Урганч шаҳри.**

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 226-моддасига биноан уйингиз фақат Сизга эмас, балки учта фарзандингизга ҳам тегишли. Улар вояга етмагунча ва уларнинг розилигисиз уйни сотишга ҳақли эмассиз.

***● Маъмурий иш бўйича адвокат ёллаб, унинг ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланмоқчи эдим. Лекин иш юритаётган Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими бундай ишларга адвокат шарт эмас, деб адвокатга иш билан танишиш имконини бермади. Айтинг-чи, ким ҳақ?***

**А. ТЕМИРОВ, Жиззах шаҳри.**

— Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 294-моддасига мувофиқ, Сиз адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлисиз.

***● Мен биринчи оилам билан 15 йил яшадим, аммо маълум сабабларга кўра охирги 5 йилдан буён алоҳида яшайман. Оиламга моддий ёрдам бериб турибман. Айни пайтда бошқа оилам ва фарзандим бор. Суд биринчи оилам билан ярашиш учун муддат бермай ажратиши мумкинми?***

**С. ИСОҚОВ, Ғузор тумани.**

— Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 41-моддасида оиланинг бузилганига ишонч ҳосил қилинган тақдирда, узоқ вақт мобайнида эр-хотинлик муносабати бўлмаганлигини ҳисобга олиб, ярашишга муддат белгиламай ажратиши мумкин.

***● Ота-онамиз вафотидан сўнг икки хонали уйимиз укам номига расмийлаштирилди. Мен алоҳида яшайман. Аммо укам, мана икки йилдирки, бошқа жойда ишлаб, яшамоқда. Ушбу муддат ичида уй учун коммунал тўловларни ўзим тўлаяпман. Шу уйга меросхўрлик қилишга ҳаққим борми?***

**Д. АЛИМОВ, Чирчиқ шаҳри.**

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1135-моддасига асосан Сиз ҳам ота-онангиздан қолган уйга қонун бўйича меросхўр ҳисобланасиз ва ушбу кодекснинг 1150-моддасига биноан мерос бўлиб қолган уйнинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақлисиз. Агар бу масалада укангиз билан келишувга эришилмаса, иш судда кўриб чиқилади.

***● Суд ҳукми билан бир йил ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиндим. Иш жойимда қаттиқ жароҳатланиб, махсус тиббий комиссия қарори билан 2-гуруҳ ногирони деб топилдим. Ҳали жазо тугашига 5 ой муддат бор. Жазодан озод этилишим мумкинми?***

**С. ҚОСИМОВ, Хўжайли тумани.**

— Ўзбекистон Республикаси Жазони ижро этиш Кодексининг 165-моддасида касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жиноий жазодан озод этилиш тартиби кўрсатилган. Бу масала суд орқали ҳал этилади ва Сиз жазодан озод этилишингиз муқаррар.

**Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.**

## Фавқулодда ҳолат бекор қилинди



Кеча Франция президенти Жак Ширак ўтган йил ноябрдаги тартибсизликлар вақтида жорий этилган фавқулодда ҳолатни бекор қилди, деб хабар беради «Ассошиэйтед Пресс». Бу қарор мамлакат бош вазири Доминик де Вильпен мамлакатдаги ҳозирги вазият ҳақида ҳисобот бергач, эълон қилинди. Фавқулодда ҳолат ўтган йил 8 ноябрда уч ой муддатга жорий этилган эди. Франция ҳукумати расмийлари Янги йил байрами арафасида безориликлар янада авж олишидан хавфсирашганди, хайриятки байрам тинч ўтди.

Эслатиб ўтамиз, ноябрдаги тартибсизликларда 3 мингдан ортиқ ёшлар қатнашган ва улар томонидан бир неча ўн минг автомобиль ёқиб юборилганди. Умумий иқтисодий зарар эса 250 миллион евродан ортди.

# ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Навбатдаги сиёсий маслаҳатлашувлар

Сеулда Корея ва Ўзбекистон ташқи сиёсий маҳкамалари ўртасида ташқи ишлар вазирликлариаро навбатдаги сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди.

Учрашувда минтақавий ва халқаро хавфсизлик масалалари муҳокама этилди, долзарб халқаро-сиёсий муаммолар бўйича икки мамлакат нуқтаи назари муштарак эканлиги қайд этилиши баробарида ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш юзасидан бирдек манфаатдорлик изҳор этилди. Хусусан, КХДР ядровий муаммосини ҳал этиш юзасидан Корея Республикасининг саъй-ҳаракатлари, шунингдек, Корея ярим оролида тинчлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатилишини Тошкент қўллаб-қувватлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Томонлар иқтисодий ва маданий ҳамкорлик соҳасида катта салоҳият мавжудлигини қайд этдилар. Булар, иқтисодий жабҳада – табиий ресурслар геологияқидируви, уларни қазиб олиш ва ишлаш, маданий соҳада – мунтазам равишда маданият кунларини ўтказиш, икки давлат пойтахтлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилиши имкониятларидир.

«Жаҳон» АА.

«Рейтер» ахборот агентлиги тарқатган хабарларда айтилишича, Бағдодда мамлакат ички ишлар вазирининг синглиси ўғирлаб кетилди.

## Вазирнинг синглисини ўғирлашди

Айни пайтда вазир ёрдамчиси Баён Жабборнинг маълумотига кўра, бундай воқеа расман тасдиқланмади. Полициядан олинган ишончли манбаларга қараганда, жангарилар томонидан аёлнинг қўриқчиси ҳамда улар кетаётган микроавтобус ҳайдовчиси ўлдирилган. Уч ой муқаддам вазирнинг акаси ўғирлаб кетилганди.

## «Бин Лодин» Исроилда?

Бундан уч йил муқаддам — 2002 йил 14 сентябрда Усома бин Лодин исмли Афғонистон фуқароси Иордан дарёси ёқасидаги Исроил чегара постидан ўтган. Исроилда нашр этиладиган Maariv газетаси шундай хабар тарқатди. Бин Лодин Исроилга 11 сентябрь воқеаларидан бир йил ўтгач, АҚШ Ироқда ҳарбий ҳаракатларни бошлашидан олдин сайёҳлик визаси билан кириб келган. У бир неча ойдан сўнг мамлакатдан чиқиб кетиши керак бўлган, аммо ҳалигача Исроилни тарк этмади. Кўринадики, у ҳозир ҳам Исроилда яшамоқда, деб ёзади газета.



Эътиборлиси шундаки, бу «Усома бин Лодин» машҳур террорчининг адаши ҳам бўлиши мумкин. 2002 йил январда ҳам «Арава» чегара пости орқали шундай исмли одам ўтмоқчи бўлганда, унга рухсат берилмаган.

Бу сафар кино санъати оламидаги энг юксак «Оскар» мукофотига даъвогарлар аввалги йилдагига нисбатан 16,5 фоиздан кўпроқни ташкил этмоқда.

## «Оскар»га 311 та даъвогар

Америка кино академиясининг маълум қилишича, 2005 йилнинг энг яхши фильми бўлиш учун 311 та бадиий фильм кураш олиб боради. Бундан ташқари, тўлиқ метражли ҳужжатли фильмлар ҳам кескин ортиб, 35 тага етди (2004 йилда 15 та). «Оскар» мукофотининг асосий номинантлари 31 январь куни маълум қилинади. Совриндорларга мукофот топшириш маросими эса 5 март куни ўтказилади.



## Қорнинг ҳам кўпи зарар

Германиянинг Траунштайн шаҳри(Бавария)даги вокзалдан барча йўловчилар ва вокзал ходимлари эвакуация қилинди. Тинимсиз қор ёғаётганлиги туфайли бино томининг қулаб тушиши хавфидан шундай қарорга келинди, деб хабар беради РИА «Новости». N-24 телеканали тарқатган хабарга кўра, кучли қор бўронлари туфайли шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Маҳаллий ҳукумат вакилларининг бундай чора кўришига мажбур бўлаётганига сабаб бор. Бир неча кун аввал Бад-Райхенхалль шаҳрида қор бўронлари туфайли спорт зал томи қулаган ва оқибатда 15 киши ҳалок бўлган эди.

## Вазият кескинлашди

Колумбияда ҳукумат томонидан гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши кураш чоралари кучайтирилгач, турли жиноий ҳаракатлар кўпайиб бормоқда. Кеча жангарилар мамлакатнинг Эквадор билан чегарадош ҳудудидаги 8 та нефть қудуғини ҳамда Орито шаҳридаги электр узатиш линияларини портлатиб юборди. Маҳаллий полиция берган маълумотларга кўра, портлашлар оқибатида нефть яқин атрофдаги дарёлар ва қудуқларга тўкилган. Электр узатиш линияларининг узилиши туфайли эса 300 минг киши электр таъминотисиз қолди. AFP агентлигининг хабарига кўра, аҳолидан ҳеч кимга шикаст етмаган.

## Космик лойиҳалар — тадбиркорларга

Япония ҳукумати шахсий сармоядорларга коинотни тадқиқ қилиш билан боғлиқ бир қанча лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этиш учун рухсат бермоқчи. Япон матбуотининг ёзишича, давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг камайиши муносабати билан шундай қарор қабул қилинди. Япония аэрокосмик агентлиги дастлаб кичик сунъий ва алоқа йўлдошларини яратиш, фазогирларга скафандрлар ишлаб чиқариш сингари кичикроқ лойиҳалар учун сармоя жалб этади. Ҳозирнинг ўзида инвесторларга танлаш учун 24 та лойиҳа тақдим этилди, деб ёзади «Рейтер» агентлиги.



Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

MTC GSM
UZDUNROBITA first cellular

Ўзбекистондаги энг кенг GSM тармоғига уланинг!



Абонент тўлови - $0,11 (кунига)
Тармоқ ичида чиқувчи алоқа - $0,03 (1 дақиқа учун)
Тармоқ ичида кирувчи алоқа - БЕПУЛ!!!
Ўзбекистон бўйича алоқа - $0,06 (1 дақиқа учун)
Уланишда олдиндан тўлов - $8

«Компания»га аъзо бўлинг!
"МТС - КОМПАНИЯ"



Абонент тўлови - $30 (ойига)
Барча кирувчи қўнғироқлар - БЕПУЛ!!!
Ўзбекистон бўйича чиқувчи алоқа - $0,06 (1 дақиқа учун)
Тармоқ ичида чиқувчи алоқа $0,03 (1 дақиқа учун)
Уланишда олдиндан тўлов - $8

Доимий тараққиётга қўшилинг!
"MTC - OPEN"

NEW! «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро роуминг хизмати Индонезияда (Indosat), Колумбияда (Comcel) ва Венесуэлада (Infonet) ишга тушди.
NEW! «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро GPRS роуминг хизмати Туркияда (Avea) ишга тушди.

Тўловлар сўмда ЎзРМБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган
1965Н/2585

Давлат, хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ



2006 йил 10 январдан 10 февралгача
қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш учун
ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:



- бош кийимлар (табиий мўйнали қулоқчин; ип газлама камуфляж панама; ип аралашган жунли берет; ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун спорт кепкаси (жокейка);
- тикув буюмлари (ёзги ва қишки камуфляж костюмлар; ип аралашган жунли; денгиз тўлқини рангли ва шувоқ (полынь) рангли китель ҳамда қистирмасдан (навыпуск) кийиладиган шимлар); шувоқ рангли куртка ва қистирмасдан кийиладиган шимлар; енгил (баҳорги, кузги) ва қишки пальтолар; енги узун ва калта шувоқ рангли кўйлаклар; иссиқ тутадиган мўйна ёқали денгиз тўлқини рангли курткалар; муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбийлар учун ёзги ва қишки ип газлама куртка ва шимлар);
- тикув-трикотаж буюмлари (трикотаж ич кийимлар; футерланган матодан қишки ич кийимлар; трикотаж футболка; ип газлама ва ип аралаш жунли пайпоқлар);
- махсус оёқ кийимлар (қўнжсиз хромли ботинкалар; мўйнали хром ботинкалар; қўнжи баланд ботинкалар; казарма тапочкалари);
- аслаҳа-анжомлар (офицерлар дала сумкаси; ТМ-1 моделидаги юк рюкзаклари);
- ётаржой буюмлари (чойшаблар; 50х100 см.даги пахмоқ сочиқлар);
- шувоқ рангли ип аралашган жунли матолар; кўйлакли шувоқ рангли матолар;
- спорт кроссовкалари; • спорт костюмлари; • кир ювиш воситалари (80%ли атир совун; кир ювиш кукуни); • УСБ-56 ва УСТ-56 палаткалари.

Тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун 30 000 сўмни Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074.
Тендер таклифлари ва намуналарни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2006 йил 10 февраль соат 17.00 гача.
1972Н/2778

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00дан 18.00гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

# «Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил»

***Тараққиётнинг ҳар бир босқичидаги халқ тафаккурининг ҳолати – даражаси ва тарзига тўғри ташхис қўйиш катта аҳамиятга эга. 1997 йилдан бошлаб мамлакатимизда ўтган ҳар бир йилимизга алоҳида ном бериб келинмоқда. Бу номларда мазкур йиллардаги ижтимоий тараққиётнинг бош йўналишлари, сафарбарлик ўз ифодасини топди. Шу анъанани давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинди. Аслида Президентимиз бундан ўн йилча аввалроқ халқимизнинг вужудида азалдан мавжуд бўлган ҳомийлик фазилатини таърифлаб, “Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил” деган эди. Халқимиз шаънига айтилган бу ибора замирида чуқур маъно ётади. Чунки жамоа туйғуси бўлмаган халқда сахийлик бўлмайди. Халқимизнинг бир майизни қирқ киши ебди, деган нақли ҳам бежиз айтилмаган, албатта.***

Саховатнинг асл манбаи йиллар мобайнида ўз бошидан не-не синоатларни ўтказган халқимизнинг бирликда, ҳамжиҳатликда яшашнинг афзаллигини туйишидан, ҳатто мушкулот ва ташвишни ҳам юртга келган тўй дея мардона кутиб олиб, уларни бир ёқадан бош чиқариб бартараф этиб, бир бурда нонни қўни-қўшниси билан баҳам кўришидан, асрий турмуш тарзи тажрибасидан ҳосил бўлган маънавий дунёсидир.

Саховат ва фидойилик бир-бирига уйғун тушунчалар бўлиб, иккаласи ҳам маънавиятга тааллуқли. Сахий киши одатда фидойи ҳам бўлади ва фидойи киши қўлидан саховат қилиш келади. Ҳар икки фазилатдан жамоа туйғусига мойиллик туғилади. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш замирида ҳам ана шу жамоа туйғусига мойиллик ва ватанга садоқат ётади. Бу деган сўз – юксак маънавиятлилик, яъни ватанпарварлик демак. Истиқлол замонамизнинг ўн беш йиллигига келиб халқимиз орасида элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар сафи кенгайганидан келиб чиқиб, 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилингани табиий ҳолдир.

### Муносабат

Саховатни ахлоқий меъёрлар ўртасида биринчи ўринга қўйиш лозим. Эндиликда мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланди, бундан бу ёғига юртимизда бой-бадавлат кишилар йил сайин кўпайиб бораверади. Бу деган сўз сахийликни шахс сиёсати даражасига кўтаришдир. Чунки сахийлик замирида юксак ахлоқлилик бор. Сахий киши саховат қилиши орқали юртдошларининг оғирини енгил қилиш баробарида, фаолиятидан ўзи ҳам руҳ ва илҳом олиб, янги ютуқларни қўлга киритишга чоғланади. “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” Давлат дастурини қабул қилишдан кутилган мақсадлардан бири, ҳар бир кишининг таниш ёки нотаниш йўқловчиси борлигини билдириб қўйишдир. Маълумки, халқимизнинг яхши одатларидан бўлмиш йўқловда бирор ғараз бўлмайди. У одамгарчиликнинг оддий, лекин чўнг гўзал кўринишларидан биридир.

Тирикларaро меҳр-оқибат, аждодларнинг авлодлар томонидан хотирланиб борилиши халқимизни мустаҳкам жипслаштириб турувчи мисоли бир маънавий белбоғдир, миллатни ўзига хос қиёфага эга миллат қилиб тутиб турувчи бош омиллардан биридир.

Одамлар иродаси, азму қарори, маънавий омилларни ҳам унутмаслик керак. Буюк аждодларимизнинг, шу жумладан, Амир Темур, Хожа Аҳрор, Алишер Навоий боболаримизнинг ҳомийлик бобидаги бемисл фаолиятларидан замондошларимизни, биринчи галда, ёш авлодни хабардор этиш лозим. Бинобарин, ҳар бир жамиятнинг маънавияти даражаси унинг истеъдод эгаларини, умуман эса, қобилиятли ва уқувли шахсларни алоҳида қадрлаш, уларга тегишлича ғамхўрлик кўрсатилиши, камол топиши учун етарли шарт-шароитни таъминлаб бериши билан ҳам белгиланади. Ривожланган маънавиятли жамиятларда истеъдод эгалари миллатнинг юзи, ғурури ва келажаги деб қаралади. Ҳозирги ўзбек жамияти ана шу йўлдан бормоқда.

Соғлом авлод – миллат ва давлатнинг мавжудлиги ҳамда равнақининг бош омилидир. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган йиғилишда сўзлаган маърузасида ҳомийликни шифокорлик билан қиёслади, одамга шифо бериш билан тенг қўйди. Ҳомийлик дардманднинг дардига шифо бахш этишдек савоб ишдир. Савобда эса таъма кутилмайди. Яна таъкидландики, ҳомийлик ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас, садақа бериш ҳам эмас... Ҳомийликни биз инсон қалбидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,**
**ёзувчи.**

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2006 йил давлат бюджети ҳисобига қурилиши керак бўлган объектлар манзил дастури бўйича Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, Уч қаҳрамон қишлоғида 360 ўқувчи ўрнига эга бўлган молия йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши бўйича

ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Қурилиш давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.
Объект қурилишининг бошланғич нархи (калити билан) — 989,466050 сўм.
Қурилишни тугаллаш муддати — 240 кун.
Буюртмачи — Сирдарё вилояти «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй. Телефон: 27-63-86.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар танлов савдоси предметининг 20 фоизи миқдорида ҳисоб рақамларида айланма маблағлар бўлиши, агар бўлмаса шу миқдорда банкдан кредит бериш кафолатномаси, қурилиш ишларини бажариш учун зарур материал, техника ва ишчи ресурсларига эга бўлишлари, малакали мутахассисларнинг мавжудлиги, шартнома тузиш-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун эълон чоп этилгач сўровнома билан 30 кун мобайнида савдо ташкилотчиси — Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахтамова кўчаси, 30-уй.
Тел./факс: (8-3672) 27-64-84.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади ва унинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.
1978Н/03



## Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан

**Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 29 сентябрда жаҳон тарихи ва маданиятида алоҳида ўрин тутган Қарши шаҳрига асос солинганлигининг 2700 йиллиги муносабати билан юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ҳақида қарор қабул қилган эди. 2005 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори чиқди. Бу муҳим ҳужжатларда белгиланган тадбирлар қандай амалга оширилмоқда?**

**Мухбиримиз Қарши шаҳри ҳокими Шуҳрат ТУРСУНОВ билан учрашиб, катта тўйга тайёргарликнинг бориши ҳақида мулоқот қилди.**



# КАТТА ТЎЙГА МУНОСИБ ҲОЗИРЛИК

**— Шуҳрат Ҳамидович, Қарши шаҳри вилоятимизда Шаҳрисабздан кейин иккинчи бўлиб, ўзининг 2700 йиллигини нишонлаяпти. Бу катта воқеа албатта. Шаҳарнинг ёшини аниқлашда қандай манбаларга асосланилди?**

— Шаҳримизнинг кўҳна тарих силсиласидаги ўрни беқиёслигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Унинг ҳар бир ғишти, ҳар бир тоши узоқ ўтмишдан мерос. Лекин шаҳарнинг юбилейини нишонлаш учун бу етарли эмас. Шаҳарнинг ёшини аниқлаш, тегишли далиллар билан асослаб бериш ниҳоятда мураккаб ва машаққатли иш. Ўзбекистон Фанлар Академияси археология институти ходимларининг узоқ йиллик изланишлари аниқ хулосалар чиқариш имконини берди. Бу соҳада археология соҳасининг етук билимдони, профессор Рустам Сулаймоновнинг хизмати, айниқса, катта бўлди. Олимнинг Еркўрғон харобаларида, Кунжутлитепада, Шулуктепада ва бошқа қадимий масканларда олиб борган тадқиқотлари, қазишмалар пайтида топилган ашёлар шаҳримизнинг ҳақиқий ёшини белгилаш учун илмий асос бўлди. Рустам Сулаймоновнинг 2004 йилда чоп этилган «Нахшаб: унутилган тамаддун сирлари» илмий асарида шаҳримиз тарихига оид кўплаб аниқ маълумотлар, илмий хулосалар ўз аксини топган. Мен Қаршининг 2700 ёшда эканлигидан далолат берувчи жуда кўплаб осори-атиқаларни, буюмларни санаб ўтишим мумкин. Бу буюмлар, далилий ашёлар Қаршининг 2700 йиллик тўйи арафасида ташкил этиладиган музейдан ўрин олади.

**— Шаҳарда ҳозиргача амалга оширилган ишлар тўғрисида гапириб берсангиз?**

— Шаҳар марказидаги Ўзбекистон кўчаси бутунлай қайта қурилаяпти. Бундан 50-60 йил илгари қурилган эски уй-жойлар ўрнида замонавий меъморий ечимларга асосланган кўркам маъмурий, хизмат кўрсатиш бинолари қад ростлаяпти. Кўп қаватли бинолар таъмирланиб ўзгача чирой касб этаяпти. Юбилей объектларида ҳозиргача ҳукуматимиз, маҳаллий ҳокимият ва ҳомийлар ҳисобидан 67 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 2800 ўринли амфитеатр, 15 минг ўринли ёпиқ стадион, «Олимпия захиралари» коллежи спорт мажмуалари шаҳримизнинг энг гўзал ва севимли масканлари бўлиб қолади. Шаҳарда қурилаётган объектларнинг бежирим ва чиройли бўлиши лойиҳа талаблари асосида бунёд этилиши алоҳида назоратга олинган. Юбилейга тайёргарликнинг бориши Юртбошимизнинг эътиборида. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча қарор қабул қилинганлиги ҳам ана шу ғамхўрлик маҳсулидир. Қарорга мувофиқ шаҳарнинг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар дастурига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Дастурдан ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон миллий комиссияси, тегишли вазирликлар, халқаро ва республикамиздаги илмий марказлар иштирокида «Қаршининг жаҳон тарихида ўтган ўрни» мавзусида конференциялар, илмий анжуманлар, учрашувлар ўтказиш, шунингдек ноширлик ишлари, оммавий-маърифий, ташкилий тадбирлар, тарихий обидаларни таъмирлаш, инфратузилмалар ва коммунал хизмат тармоқлари, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш юзасидан катта ҳажмда қурилиш, ободонлаштириш ишлари ўрин олган.

Дастурга мувофиқ Қарши шаҳридан ўтувчи умумий фойдаланишдаги ва шаҳар ички автомобиль ҳамда транзит йўллари кенгайтирилаяпти. Бугунгача Ўзбекистон, Насаф, Жайҳун кўчаларида 2497 миллион сўмлик иш бажарилди. Айниқса, болалар спорт майдончаларини қуриш ва таъмирлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида шу йил охиригача 16,4 километр сув қувурлари ётқизилади. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки кредити, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 4100 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган.

Табиий газ, иссиқлик, электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 544 миллион сўм газ, 253 миллион сўм иситиш, 314 миллион сўм электр тармоқлари ўтказиш учун сарфланади. 500 рақамли янги телефон станцияси ишга тушади. Ҳозиргача бу объектларда 80-90 фоиз иш уддалаб қўйилди.

Шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи китоб-альбомни ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиш, илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар яратиш, юбилей почта маркалари, хат-жилдлари чиқариш, шаҳар манзаралари акс эттирилган буклетлар тайёрлаш юзасидан иш олиб борилаяпти. Шаҳарнинг тарихи, бугунги куни, аҳолининг урф-одатлари, анъаналари ҳақида ёзилган тарихий, илмий-публицистик асарлар учун «Қарши — Ўзбекистон дурдонаси» кўрик-танлови эълон қилинган. Мен фурсатдан фойдаланиб, республикамиз олимлари ва ижодкорларини мазкур танловда фаол иштирок этишга таклиф қиламан.



**— Тарихий саналар нишонланаётганда кўпроқ осори атиқалар ҳақида гап кетади. Тарихий ёдгорликларда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Амир Темур давридаги моҳир кошинкорларнинг сирини очган шаҳрисабзлик кошинкор уста Абдулла Файзиевнинг ишлари ҳақида матбуотда ёзилган эди. Унинг маҳсулотларидан фойдаланиладими?**

— Аждодларимиз томонидан барпо этилиб, асрлар оша бизгача етиб келган тарихий меъморчилик обидаларини таъмирлаш, уларни халқимизнинг ҳақиқий мулкига айлантириш режаларимиздан алоҳида ўрин олган. XVI-XIX асрларда бунёд этилган 9 та мадраса ва масжидларни, қадимий зиёратгоҳларни таъмирлаш юзасидан қизғин иш олиб борилаяпти. Обидаларимизни асл ҳолига қайтариш, уларнинг ҳудудини ободонлаштириш, бошқача айтганда, иккинчи умр бағишлаш учун ҳозиргача 1 миллиард 224 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Худди шунингдек, машҳур кошинкор уста Абдулла Файзиев маҳсулотларига буюртма берилаяпти. Ҳозиргача унинг корхонасида ишлаб чиқарилган ғиштлар Қиличбой мадрасасини таъмирлашда ишлатилди.

**— Бу йил шаҳарда жуда катта ҳажмда ободончилик ишлари амалга оширилди. Қиш даврида ҳам бундай ишлар давом эттириладими?**

— Албатта. Қиш фасли қурилиш ишларини тўлиқ ҳажмда олиб боришда бироз ноқулайчилик туғдириши мумкин, лекин биз учун ҳозир ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат. Шу боис қиш фаслининг очиқ, ҳароратли кунларидан унумли фойдаланаяпмиз. Баҳоргача тарихий обидаларнинг ички қисмида таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Айни пайтда воҳамизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш уч ойлиги эълон қилинган. Шаҳарда мазкур тадбирни сифатли ўтказиш юзасидан тадбирларимизни белгилаб олдик. Ташкилот ва корхоналарда, таълим муассасаларида, маҳаллаларда мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтказиш бошлаб юборилди. Бу ниҳоллар озиқлантирилаяпти, дарахтларга шакл берилаяпти. Шаҳарнинг янги иморатлар қуриладиган қисмидаги эски биноларни бузиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

**— Катта ҳажмдаги қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилганда шаҳарнинг ўз қиёфасини сақлаб қолиш жуда қийин. Қарши мамлакат жанубидаги шаҳар. Унинг табиий-иқлим шароити ўзига хос меъморий ва услубий ечимларни тақозо қилади, шундай эмасми?**

— Ҳақиқатан, бизнинг ўзига хос иқлим шароитимиз бор. Қурилиш ишларини амалга оширишда табиий-иқлим шароитини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Қурилиш лойиҳалари устида ишлашда Қаршининг қуруқ ва иссиқ иқлимига мос бинолар барпо этишга эътибор берилаяпти.

Шаҳар марказидаги Мустақиллик майдони юзасига ётқизилган катта ҳажмдаги бетон йўлаклар олиб ташланиб, майдон гулзор ва игна баргли дарахтзорга айлантирилди. Йўлаклар атрофи кўкаламзорлаштирилаяпти. Хиёбонлар ва истироҳат боғларидаги пиёдалар юрадиган йўлакчаларга қизил қум тўкилаяпти. Шунингдек, сув ҳавзалари, фавворалар қурилишига алоҳида эътибор берилаяпти. Бугун шаҳардаги барча ободонлаштирилган масканлар ҳудуди тўлиқ сачратма фавворалар билан таъминланди. Бу эса об-ҳавони мўътадиллаштириб туришга хизмат қилади.

**— Шунча ишлар қилингандан кейин уни меҳмонларга, сайёҳларга, шунингдек, барча фуқароларга кўрсата билиш ҳам керак. Бу борадаги режаларингизни айтиб берсангиз.**

— Албатта, Қаршининг 2700 йиллиги муносабати билан бу ерга хориждан, қўшни вилоятлардан, пойтахтимиздан кўплаб меҳмонлар ташриф буюришади. Уларга шаҳримизнинг тарихи билан боғлиқ обидаларни, кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўрсатиш юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган. Хорижий меҳмонлар учун таржимонлар гуруҳи тайёрланаяпти. Меҳмонларни шаҳарнинг эсда қоларли жойлари билан таништириш учун алоҳида йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада «Қашқадарёсайёҳ» жамияти олдига аниқ вазифалар қўйилган. Юбилей кунларида хорижий ва маҳаллий журналистларнинг самарали ишлари учун қулай шароитларни яратамиз.

Ҳозирги кунда юбилейга тайёргарлик кўриш, шаҳарнинг барча ҳудудларида ободончилик, тинчлик, осойишталикни таъминлаш учун 62 та маҳалла 9 та округга бўлинган. Уларга вилоятнинг энг обрўли раҳбарлари бириктириб қўйилди. Президентимизнинг Қарши шаҳрига, унинг аҳолисига кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Биз ҳамиша шу юксак ишончга муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Б. НОРҚОБИЛОВ суҳбатлашди.**

# Футбол оламида

## Осиё чемпионатига қуръа ташланди

Кеча Тошкент вақти билан соат 11.30 да Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда жойлашган Осиё футбол конфедерациясида 2007 йилда ўтказиладиган қитъа чемпионати саралаш баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлди.




Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси **"F" гуруҳида** Қатар, Бангладеш ва Гонконг мамлакатлари футболчиларига қарши майдонга тушади. Мутахассислар мамлакатимиз жамоасига қатарлик футболчиларни асосий рақиб, деб ҳисоблашмоқда. Икки мамлакат футболчилари сўнгги бор 2001 йилда куч синашишганди. Осиё чемпионати биринчи марта тўрт мамлакатда уюштирилмоқда. Демак, 2007 йил 7-29 июль кунлари Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнам мамлакатлари қитъа чемпионатига мезбонлик қилади.

Қуръа натижалари билан танишинг:

| | |
|---|---|
| **"А" гуруҳи:** | Япония, Яман, Саудия Арабистони, Ҳиндистон. |
| **"В" гуруҳи:** | Эрон, Корея, Сурия, Хитой Тайпейи. |
| **"С" гуруҳи:** | Иордания, Уммон, БАА, Шри-Ланка. |
| **"Д" гуруҳи:** | Баҳрайн, Кувайт, Ливан, Австралия. |
| **"Е" гуруҳи:** | Хитой, Ироқ, Сингапур, Фаластин. |

## «Пахтакор» — БААда

Кеча мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" жамоаси ўқув-йиғин машғулотларида қатнашиш учун Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими.



Ҳамюртларимиз амирликларда 11 январгача бўлиб, учта ўртоқлик учрашуви ўтказишади. Уларнинг иккитаси Россия премьер лигаси вакиллари "Москва" ва "Ростов" клублари бўлиши мумкин. "Пахтакор" 12 январь куни БА-Адан тўғри Москвага йўл олади ва МДҲ чемпионлари кубогида иштирок этади.

Эслатиб ўтамиз, "Пахтакор" бу йил ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлайди. Шунинг учун пойтахтлик футболчилар барча турнирларда бош соврин учун майдонга тушишни асосий мақсад қилиб қўйишган.

## «Насаф»да мураббий ўзгарди

Ўтган мавсум "Самарқанд—Динамо"да фаолият юритган тажрибали мураббий Баҳром Ҳакимов яна собиқ жамоаси — "Насаф"-га қайтиб келди.



— Мен қаерда фаолият кўрсатмай биринчи навбатда маҳаллий ёшларга эътибор қаратганман,— дейди Баҳром Ҳакимов. — Бу сафар ҳам ушбу анъанани сақлаб қолишга ҳаракат қиламан. "Насаф"нинг икки етакчи ўйинчиси Зафар Холмуродов ва Камолиддин Кенжаевлар "Машъал" билан икки йилга шартнома имзолашган. Ёшларимиз уларнинг ўрнини билдиришмайди, деб умид қиламан. Қолаверса, янги ўйинчиларни жалб этиш ниятим ҳам йўқ эмас.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
***"Халқ сўзи" мухбири.***

## Китоб жавонингизга

# «Шоҳи Зинда»




«Кўҳна тарихнинг мўъжизалари кўп ва улар камалак жилоларидек ранг-барангллиги, бетимсол гўзаллиги, баҳордек ҳусни, латофати билан бизни мафтун этиб, ҳайратларга солади... Шоҳи Зинда — нозик дид, юксак маҳорат, ёркин даҳо билан кўкка бўй чўзган афсонавий мажмуа. Бу тўғрида инглиз ҳам, япон ҳам, рус, фарангу араб ҳам ёзган. Гали келди, биз ҳам ёзаяпмиз...» деб гўзал асар ибтидосида таъкидлашади, муаллифлар Иброҳим Валиев билан Тўлқин Ҳайит.

«Шоҳи Зинда» пайғамбаримиз Муҳаммад с. а. в.нинг амакиваччаси Қусам ибн Аббоснинг (VII-VIII асрлар) Самарқандга келиб қолиш тарихи, унинг ислом тарғиботи, ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисида илмий-тарихий манбаларга таянган ҳолда ёзилган китоб. Шунингдек, бу улуғ зот шарафига қурилган Шоҳи Зинда мажмуасининг соҳибқирон Амир Темур томонидан бунёд этилиш тарихи ҳам назардан четда қолмаган.

Муаллифлар кенг китобхонлар оммасини назарда тутган ҳолда ўзаро суҳбат, мушоҳада, мунозара тарзида фикр юритишади. Гўё ўқувчи билан суҳбат қураётгандек, содда ва равон тилда сўзлашадилар.

Ўзбек, араб, инглиз ва рус тилларида битилган мазкур асарнинг барчага бирдек манзур бўлишига шубҳа йўқ.

**Муҳиба ҲАМИДОВА.**

## Саҳнадаги сабоқ

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг талаба ёшлар театр студияси Тўрткўл банк коллежи саҳнасида «Гирифторлик балоси» пьесасини намойиш этдилар. Унда гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлган навқирон тақдирларнинг фожиаси очиб берилган. Ушбу спектакль коллеж талабаларида жуда катта таассурот қолдирди.

**Я.ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги
ШИНАЛАРНИ
сотади:
ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН, ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН
Телефонлари: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.
АККУМУЛЯТОРЛАР
Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.
Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.
ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.



ЭЪЛОН!
ДАВЛАТ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ КИНО САРОЙИДА
азиз фарзандларимиз учун Янги йил совғаси сифатида 25 декабрдан 10 январгача фильмлар намойиши:
1. Мактаб ёшигача бўлган болаларга, «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига — бепул.
2. Мактаб ёшидаги ўқувчилар учун 50% чегирилган нархларда.
Маълумот учун телефон: 144-51-60.
МАЪМУРИЯТ.



O'ZSANOATQURILISHBANK
«Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви хўжалик субъектларига ва жисмоний шахсларга маълум қиладики, «Ўзсаноатқурилишбанк» кенгашининг 2005 йил 21 ноябрдаги 51-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кредит ташкилотларини рўйхатга олиш ва лицензиялаш комиссиясининг 2005 йил 21 декабрдаги 43/2-сонли қарорларига асосан «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, Зиёкор кўчаси, 2-уйда жойлашган ХОНОБОД ФИЛИАЛИ ТУГАТИЛАДИ.
Мурожаат учун телефонлар:
8-(3742) 22-19-46, 8-(374) 734-31-58,
8-(374) 734-23-89, 8-(374) 734-11-89.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси етакчи илмий ходим, физика-математика фанлари доктори Бобомурод Аҳмедовга отаси

**Жўра АҲМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси жамоаси енгил саноат фахрийси

**Тўрашхон ЖЎРАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 20.40 23456